

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙНАЗАРОВ УТКИР РАББИМОВИЧ

ДИАБЕТИК ОЁҚ-ПАНЖА СИНДРОМИ ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК
АСОРАТЛАРИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Худайназаров Уткир Раббимович

Диабетик оёқ-панжа синдроми йирингли-некротик асоратларини комплекс даволашни такомиллаштириш йўллари..... 3

Худайназаров Уткир Раббимович

Пути совершенствования лечения гнойно-некротических осложнений при синдроме диабетической стопы..... 23

Khudaynazarov Utkir Rabbimovich

Ways to improve the treatment of purulent-necrotic complications in diabetic foot syndrome 41

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 44

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙНАЗАРОВ УТКИР РАББИМОВИЧ

ДИАБЕТИК ОЁҚ-ПАНЖА СИНДРОМИ ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК
АСОРАТЛАРИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2025

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.4.PhD/Tib2308 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Сайфулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матмуратов Кувондик Жуманиязович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Шербеков Улугбек Ахорович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Помор давлат университети (Польша Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қандли диабетнинг оғир жарроҳлик асоратларидан бири “диабетик оёқ панжа” синдромидир. “Диабетик оёқ панжа” синдроми – қандли диабет туфайли нейро-, ангио- ва остеоартропатиялар фонида келиб чиқадиган анатомик ва функционал патологик ўзгаришлар комплекси билан тавсифланади. Ҳозирги вақтда “диабетик оёқ панжа” синдромини даволаш натижаларини қониқарли деб бўлмайди, чунки “диабетик оёқ панжа” синдроми сабабли «...пастки мучаларда ампутациялар сони 25-55% ни ва операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи эса 20-30% ни ташкил қилмоқда...»¹. Бунинг асосий сабаблари бўлиб тананинг пастки периферик қисмларида ангиопатияларнинг ортга қайтмас даражада ривожланиши, йирингли-некротик асоратларнинг чуқурлашиши каби асоратлар бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда “диабетик оёқ панжа” синдромидаги диабетик ангиопатия механизмларида патологик жараённинг, яъни оёқ-панжа артериялари зарарланишининг морфологик ва патогенетик хусусиятларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қандли диабет сабабли келиб чиқадиган пастки мучаларнинг критик ишемияси ангиогенезида эндотелий дисфункциянинг патогенетик жихатлари ва уни коррекция қилиш, шунингдек микроциркуляция жараёнидаги ахамияти деярли ўрганилмаган. Шу сабабли «диабетик оёқ панжа» синдромини диагностика қилиш ва даволашда қон томирлардаги эндотелийнинг зарарланишларини ва уларнинг деструктив ўзгаришлар ривожланиши даражасига таъсирини мукамал ўрганиш кераклигини тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишнинг замонавий босқичида, натижаларни яхшилашга, ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, қандли диабетга чалинган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, даволаниш натижаларини яхшилаш ва беморларнинг ушбу мураккаб тоифасида ногиронлик хавфини камайтириш учун консерватив ва жарроҳлик ёндашувларни такомиллаштириш учун давомли тадқиқотлар талаб қилинади. Бу муаммонинг ечими 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясидаги 7 та устувор йўналишлари бўйича «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари...»² билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, «диабетик оёқ панжа» синдромини оптималлашган даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва жарроҳлик усулларини такомиллаштиришда рационал мезонларни ишлаб чиқиш орқали «диабетик оёқ панжа» синдроми билан оғриган беморларни даволаш

¹ Ueki K., Sasako T., Okazaki Y., et al. Multifactorial intervention has a significant effect on diabetic kidney disease in patients with type 2 diabetes // *Kidney Int.* –2021; – 99: – P.256–266

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

натижаларини яхшилаш тиббиётнинг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда қандли диабет ва унинг асоратларни даволашда мултидисциплинар ва патогенетик ёндошув, яъни хирургик операциялари билан биргаликда углевод ва липид метаболизмини коррекциялаш, инфекцияга қарши курашиш, қон томирлар эндотелиал дисфункцияларининг олдини олиш каби комплекс тадбирларни биргаликда амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Қандли диабетнинг йирингли некротик асоратларни маҳаллий даволашда, айниқса нейропатик ва нейроишемик шаклдаги диабетик оёқ панжа синдромларида қон томирлар эластиклиги ва эндотелиал дисфункцияси борасида қониқарли натижаларга эришилмаган (Покровский А.В., 2016, Palena L.M., 2018).

Шу билан бир қаторда, “қон оқиши ҳажмининг чекланишига ва тупиқ-елка индекси 0,9 дан ортиқ бўлганда оёқ-қўллар ишемиясининг шаклланишига олиб келиб, оёқ артериялари деворларининг қаттиқлиги ёки “эластиклигининг ортиши” борлигини қайд этади (Бабажанов Б.Д, ва ҳаммуаллифлари 2020).

Бундай ҳолатнинг ривожланишининг патогенетик йўллари билан бири артериал девор оқсилларининг гликацияланиши ҳисобланади. Томир деворида гликацияланишнинг якуний маҳсулотларининг тўпланиши томир эндотелий структурасининг бузилишига, тромботик асоратларнинг юзага келишига олиб келади ва зарарланган томирнинг окклюзияси муҳитини ўзида акс эттиради. Микроциркуляция оқимини ўрганиш бўйича маълумотлар мутлақо аниқ эмас (Nanasy–Vass M, 2017). Кўп сонли морфологик тадқиқотлар қандли диабет билан касалланган беморларда базал мембранада ва томир деворининг бошқа таркибий қисмларида ўзгаришларни аниқлади. Тадқиқотчиларнинг эътибори қандли диабет асоратларининг, хусусан, оёқ панжаларининг деструктив шикастланишининг ривожланишида, микроциркуляция оқимидаги морфологик ўзгаришларнинг мумкин бўлган патогенетик омилларига қаратилган. Бундай боғлиқликнинг аниқ равшанлиги, морфологик ўзгаришлар корреляцияси ва капиллярлар функциясининг зарарланиши бўйича кўплаб маълумотлар бўлишига қарамасдан, микроангиопатиянинг оёқ юзасидаги тўқималар некротизининг ривожланишида мустақил омил сифатида аҳамияти исботланмаган. Шу билан бир вақтда, оёқларнинг амутациялари қандли диабет билан

касалланган беморларда умумий аҳолига қараганда 10-15 марта тез-тез амалга оширилади бу эса оёқлардаги микроциркулятор ўзгаришларини янада чуқурроқ ўрганиш талаб қилади (Madonna R.2017, Jia H.2018).

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамадан, «диабетик оёқ панжа» синдроми йирингли некротик асоратларнинг ривожланиш патогенезини ўрганиш муаммоси долзарб муаммолигича қолмоқда, айниқса жарроҳлик даволаш тактикасини танлашда бу омиллар ҳисобга олинмайди. Шунингдек, ҳозирги вақтда жароҳатни маҳаллий даволашда қўлланиладиган янги авлодаги антисептиклар ва маҳаллий боғлов материалларнинг самарадорлигини аниқлаш зарурлиги ва уларни қўллашда стандарт ёндошувлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунга кўра, юқорида қайд қилинган муаммолар ечимини топишда муҳим нуқталардан бири бу - «диабетик оёқ панжа» синдроми нинг диагностикаси ва даволаш усулларини янада такомиллаштиришдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 5436-012000262 рақамли «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2019-2023йй).

Тадқиқотнинг мақсади: диабетик оёқ панжа синдромининг йирингли-некротик асоратларини ташхислашда қон томирлар эндотелиал дисфункциясининг патогенетик жиҳатларини ўрганиш, ҳамда оптимал хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш йўли билан беморларнинг даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“диабетик оёқ панжа” синдромининг йирингли-некротик асоратларининг нисбий салмоғини, анъанавий даволаш натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

“диабетик оёқ панжа” синдромидаги ангиопатияларни патогенетик жиҳатдан ўрганишда қон томирлар эндотелий ўсиш факторлари (NO, VEGF, эндотелиен-1)нинг фаоллигини аниқлаш;

“диабетик оёқ панжа” синдромида катта ампутациялар ва такрорий операциялар сонини камайтиришда даволашнинг оқилона усулларини танлаш ва оёқ панжанинг таянч функциясини сақлаш операцияларининг тамойилларини асослаш;

“диабетик оёқ панжа” синдромида комплекс даволашнинг натижаларига асосланган алгоритмининг ишлаб чиқиш орқали йирингли-некротик асоратларини даволаш ва профилактикасини мақбуллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси йирингли хирургия бўлимида 2017-2022 йиллар давомида стационар даволанишда бўлган “диабетик оёқ панжа” синдроми билан оғриган 194 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида “диабетик оёқ панжа” синдроми билан оғриган беморларда ўтказилган клиник-биокимёвий, қон таҳлиллари ва хирургик даволаш усулларининг натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишни бажариш учун умумий клиник, морфологик, инструментал (тананинг пастки периферик қисмлари УТДГ, қон томирлар ангиографияси, МСКТси ва рентгенографияси, ЭКГ, ЭхоКГ) тадқиқотлар ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“диабетик оёқ панжа” синдроми билан оғриган беморлардаги йирингли-некротик асоратларининг ривожланишида микроциркулятор бузилишнинг қон томирлар эндотелий дисфункцияси билан оёқ панжа соҳаси тўқималари ишемиясининг патогенетик боғлиқлиги исботланган;

“диабетик оёқ панжа” синдромининг йирингли-некротик асоратларини маҳаллий ва комплекс даволашга Ацербин малҳами ва L-аргинин препаратини қўшиб мақбуллаштирилиши ҳисобига такрорий операция хавфини камайтирадиган ва аъзоларнинг таянч вазифасини сақлаб қолувчи операцияларни бажариш имконияти асосланган;

“диабетик оёқ панжа” синдромида SVS WiFi таснифидан фойдаланиб, ампутацияларнинг хавфини камайтирадиган эндоваскуляр мининвазив жарроҳлик усулларини қўллаш ва оёқ панжанинг анатомик тузилмаларини сақлаб қолувчи операция усулларини, яъни метатарзал суякнинг бошчасини атипик қия йўналишда резекция қилиш ва оёқ панжанинг шикастланган соҳадаги фалангалараро пай-синовиал тузилмаларини максимал кесиб олиш орқали мақбуллаштириш, такрорий жарроҳлик аралашувини 31,94% дан 9,02% гача ва катта (юқори) ампутацияларни 41,7%дан 11,5%гача камайтириш имконини берган;

патологик жараённинг авж олиши, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган консерватив ва жадаллашган кам инвазивли хирургик даво чора-тадбирлар мажмуаси, ҳамда оптимал баҳолаш мезонлари асосида алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабет фонида эндотелиал дисфункция “диабетик оёқ панжа” синдроми билан касалланган беморларда оёқлардаги қон томирларнинг функционал ҳолатини объектив баҳолаш имконини берган, ҳамда пастки мучалардаги микроциркуляциянинг бузилишини ва ишемияни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган;

амалиётга эндотелиал дисфункция маркёрлари (NO, эндотелиен – 1, VEGF) ни киритиш “диабетик оёқ панжа” синдромидаги йирингли некротик асоратларни даволаш ва профилактикасини таъминлашда диагностик аҳамиятга эгаллиги исботланган;

SVS WiFi таснифи бўйича олинган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, такрорий жарроҳлик аралашуви хавфини ва катта (юқори) ампутацияларни амалга ошириш заруриятини камайтириш имконини берган;

“диабетик оёқ панжа” синдроми ва оёқларнинг диабетик гангренаси бўлган беморларни операциядан кейинги асоратлар ва ногиронлик

частотасини камайтиришга асосланган жарохлик даволаш усуллари тавсия этилган;

Тадқиқотнинг ишончлилиги замонавий амалиётда кенг қўлланувчи клиник-инструментал ва статистик усуллар билан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жихатдан тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, «диабетик оёқ панжа» синдромида қондаги эндотелий ўсиш омилини аниқлаш орқали оёқлардаги қон томирларнинг функционал ҳолатини объектив баҳолашга кўмаклашган ва ЭД коррекция қилиш натижасида «диабетик оёқ панжа» синдромини патогенетик даволаш ва профилактика қилиш доирасини кенгайтирган. Пастки мучаларнинг оғир даражали (критик) ишемияси кузатилганда дастлабки кунларда эндоваскуляр мининвазив усулларни қўллаб, реваскулиризация қилиш орқали хирургик даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган. Шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижалари «диабетик оёқ панжа» синдроми билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича, клиник ординаторлар ва магистратура резидентларининг ўқитиш дастурининг таркибини такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «диабетик оёқ панжа» синдромида SVS Wifi таснифидан фойдаланиб, ампутацияларнинг хавфини камайтирадиган эндоваскуляр мининвазив жаррохлик усуллари қўллаш, ҳамда оёқ панжанинг таянч функциясини сақлаб қолувчи операция усуллари мақбуллаштириш орқали ва патогенетик даволаш тизимининг такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилганлиги такрорий операциялар сонини камайтиришга, беморларнинг катта ампутацияларини ва ногиронлик частотасини камайтиришга, беморнинг стационардаги ўрин кунларини қисқаришига олиб келганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 – йил 22-10 даги 7– сон хулосасига кўра:

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 4 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Диабетик оёқ панжа синдроми билан касаллаган беморларни комплекс даволашда замонавий патогенетик ёндошувлар ва муаммолар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобда қандли диабет эпидемиологиясини акс эттирувчи адабиётларни ва ДОПС билан касалланган беморларни ташҳислаш ва даволаниш муаммосини таҳлил қилинган. ДОПС билан касалланган беморларни диагностика ва жарроҳлик даволаш усуллари ҳақида батафсил маълумот берилади. Келгусида ечимни талаб қиладиган долзарб масалалар ўрганилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий тадқиқотларининг натижаларига асосланган ҳолда, беморларда ДОПСни ташҳислаш ва даволашнинг қўлланилаётган усуллари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқот ишининг материаллари ва усулларига бағишланган. Илмий иш 2018 йилдан 2022 йилгача Самарқанд шаҳар Марказий шифохонаси ҳузуридаги йирингли-септик хирургия бўлимида стационар даволанган ДОПС ва ОДГ билан хасталанган 194 нафар беморларнинг даволаш натижаларининг таҳлиliga асосланган. Беморлар стационар шароитдаги ташҳис ва даволаш натижалари бўйича 2 гуруҳга, яъни назорат ва асосий гуруҳларга бўлиш билан таҳлил ўтказилган. Назорат гуруҳини 72 нафар бемор, асосий гуруҳга 122 нафар беморлар киритилган.

Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши қуйидагича - беморларнинг 64,9% эркаклар (назорат гуруҳида 66,3% ва асосий гуруҳда 64,1%), яъни йирингли-яллиғланиш касалликлари, ДОПС ва ОДГ эркакларда кўпроқ учраган. Беморларнинг ёши 18-83 ёшдан иборат бўлган. Беморларнинг аксарияти (38,1%) 60-74 ёшни ташкил қилган. Ўртача ёш $59,6 \pm 0,7$ йилдан иборат бўлган.

Деструктив бузилишларнинг чуқурлигига кўра, барча беморлардаги пастки мучаларда патологик жараённинг ҳолати ва ампутацияларнинг хавф даражасини баҳолашда замонавий ва бугунги кунда кенг қўлланилаётган SVS WIFI таснифидан фойдаланиб таҳлил ўтказилди. SVS WIFI таснифи J. Mills ва ҳаммуаллиф., (2014) томонидан таклиф қилинган. Бу ДОПСнинг 3та патогенетик жихатлари: W — «Wound» (жароҳатнинг тавсифи); I — «Ischemia» (пастки мучалардаги қон айланиш тавсифи); FI — «Foot Infection» (жароҳатда инфекция жараённинг ривожланганлиги) га асосланган.

WIFI таснифи

| Патогенетик жараён | Даража | Тавсифи | | |
|---|--------|---|--|---|
| W – Wound (ярагинг тавсифи) | 0 | Яра аниқланмайди (тинч ҳолатда ишемик оғрик) | | |
| | 1 | Болдир ёки оёқ панжа соҳасида гангрена бўлмаган юзаки кичик яра | | |
| | 2 | Суяклар, бўғимлар ёки пайларни ўз ичига олган чуқур яра ± Бармоқларнинг фаланжлари билан чекланган гангреноз ўзгаришлар | | |
| | 3 | Оёқнинг олдинги ва/ёки ўрта қисмигача чўзилган кенг чуқур яра ± товон суяклари билан бирга ± умумий гангрена | | |
| I – Ischemia (Пастки мучалардаги қон айланиш ҳолати) | | ТЕИ | Болдир аретриясининг систолик босими, мм сим. уст. | Бармоқлардаги босим, TcPO ₂ , мм сим. уст. |
| | 0 | ≥0,80 | >100 | ≥60 |
| | 1 | 0,60–0,79 | 70–100 | 40–59 |
| | 2 | 0,40–0,59 | 50–70 | 30–39 |
| | 3 | ≤0,39 | <50 | <30 |
| FI – Foot Infection (инфекциянинг ривожланиш даражаси) | 0 | Инфекция белгилари ва симптомининг бўлмаслиги | | |
| | 1 | Тери ва тери ости ёғ қаватидаги маҳаллий инфекция ўчоғи | | |
| | 2 | маҳаллий инфекция гиперемия белгилари билан ёки тери ва тери ости ёғ қавати >2 смдан катта ҳажмда | | |
| | 3 | Организмнинг яллиғланишга жавоб реакцияси синдроми | | |

Пастки мучалардаги йирингли-некротик шикастланишларда ампутациянинг хавфи даражасига қараб 4 гуруҳга бўлинади (2-жадвал):

2 – жадвал

SVS WIFI таснифи бўйича беморлар тақсимланиши

| | I-0 | | | | I-1 | | | | I-2 | | | | I-3 | | | |
|-----|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| W-0 | VL | VL | L | M | VL | L | M | H | L | L | M | H | L | M | M | H |
| W-1 | VL | VL | L | M | VL | L | M | H | L | M | H | H | M | M | H | H |
| W-2 | L | L | M | H | M | M | H | H | M | H | H | H | H | H | H | H |
| W-3 | M | M | H | H | H | H | H | H | H | H | H | H | H | H | H | H |
| | FI-0 | FI-1 | FI-2 | FI-3 |

1. Ампутация хавфи жуда паст-VL - Very Low; 2. Паст- L – Low; 3. Ўртача- M – Moderate; 4. Пастки мучаларни йўқотиш хавфи юқори бўлган беморлар- H - High.

Маълумотлар таҳлилига кўра, 194 нафар бемордан йирингли жараённинг чегараланганлиги: некротик жароҳат, трофик яра, бармоқларнинг қуруқ гангренаи асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан устунлиги кузатилган.

Назорат гуруҳидаги беморларни даволаш ва диагностик тадбирлари умумий қабул қилинган анъанавий усул бўйича амалга оширилган. Асосий гуруҳидаги беморлар стандарт текшириш ва даволаш усуллари ташқари

қуйидаги усуллар қўлланилган. Беморларда микроциркуляция ҳолатини ўрганиш учун қондаги эндотелийнинг ўсиш омиллари аниқланган. Таҳлилларни ўтказишда StatFax 2100 (Awareness Technology Inc.; АҚШ) анализаторидан фойдаланилган. Ишлатилган реактивлар “Вектор Бест”(Россия, Новосибирск) фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган.

Инструментал текширишлардан оёқ суяклардаги деструкцияси даражасини ва чуқурлигини аниқлаш учун рентгенографияда қуйидагиларга эътибор қаратилган. Менкеберг артериолосклерозининг мавжудлиги оёқ панжасининг иккита артериясидаги ҳолати - a.dorsalis pedis, a. Tibialis posterior ва уларнинг тармоқлари - aa.plantares, a. metatarsedorsalisprima, r.plantariprofundus, a.a.digitales аниқланган (1-расм).



1-расм. Менкеберг артериолосклерозининг V даражаси.

Артерияларнинг зарарланиш даражасини ва магистрал қон айланишни баҳолаш ультратовушли дуплексли сканерлаш ва рентгеноконтрастли ангиография ёрдамида амалга оширилган.

Даволаш усулларига қўшимча: патогенетик ёндошган ҳолда ангиопатия ва нейропатияни даволаш; метаболик терапия; ЭД коррекцияси; ДОПС ни жароҳатнинг фазалари бўйича маҳаллий даволаш (гиперосмоляр малҳамлар ва интерактив апликация усуллари); Жадаллашган хирургик тактика ва пастки мучаларнинг таянч функциясини сақловчи оператив даволаш усуллари қўлланилган. Бундан ташқари, замонавий эндоваскуляр миниинвазив жаррохлик усуллари: баллонли ангиопластика, стенозланган томирларнинг стентлаш, узоқ муддатли артерия ичи инфузияси усуллар ҳам қўлланилган.

Олинган натижаларни статистик таҳлили қилиш учун қуйидаги дастурлардан Microsoft Office Excel 2010 ва IBM SPSS 20.0 фойдаланилган.

Диссертациянинг “ДОПС да микроциркулятор бузилишлар ва эндотелиал шикастланишларни баҳолаш натижалари” деб номланган учинчи боби ДОПС билан оғриган беморларнинг клиник кечиш хусусиятлари ва йирингли некротик асоратлар ривожланишида микроциркулятор бузилишларнинг патогенетик механизмларни асослашга

бағишланган. Бунда клиник белгиларнинг намоён бўлишида беморлар шикоятлари, умумий аҳолини баҳолаш мезонлари, беморларнинг муружат вақтлари ва қондаги гликемия миқдорининг қиёсий тахлиллари ўрганилган.

Беморларнинг анамнезни ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги барча беморлар орасида ДОПС белгилари пайдо бўлишидан касалхонага ётқизишгача бўлган давр ўртача $53,4 \pm 3,6$ кунни ташкил қилган. Асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич $34,7 \pm 3,4$ кунни ташкил қилди. Диабетик анамнез назорат гуруҳида $12,39 \pm 0,82$ йилни, асосий гуруҳда $12,24 \pm 0,45$ йилни ташкил қилган. Назорат гуруҳида 17 (23,6%) та, асосий гуруҳда 16 (13,1%) та ҳолатида беморларда субъектив белгилар мавжудлигига қарамасдан, ҚД биринчи марта аниқланди. Барча 194 (100%) та бемордан назорат гуруҳида 43 (59,7%) таси, асосий гуруҳда 36 (29,5%) нафар беморлар эндокринологга тартибсиз равишда муружаат қилган, парҳезга риоя қилишмаган ва уларнинг глюкомик даражаси ўз вақтида коррекция қилинмаган.

Беморларда қондаги гликемия даражасига кўра, назорат гуруҳида 46 (63,9%) нафар бемор шифохонага қабул қилиш вақтида гликемия даражаси 18,0 ммол/л дан юқори бўлиб, 20 (14,4%) нафар беморда 8 дан 17,0 ммол/л гача ва фақат 6 (8,3%) нафарда 8,0 ммол/л ва ундан паст бўлган. Асосий гуруҳда эса, 54 (44,3%) нафар нафар бемор шифохонага қабул қилиш вақтида гликемия даражаси 18,0 ммол/л дан юқори бўлиб, 36 (29,5%) нафар беморда 8 дан 17,0 ммол/л гача ва фақат 32 (26,2%) нафарда 8,0 ммол/л ва ундан паст бўлган. Гликемиянинг коррекцияси дастлаб ёмон бўлганлиги, асосан беморларнинг ўзларининг айби сабабли шу ҳолатларга олиб келган.

ДОПС билан оғриган беморларни патогенетик жиҳатдан келиб чиқиш механизмига кўра, 2 та шаклга ажратилади. Биринчи шакли нейроишемик шакл – 61 та (31,4%), иккинчи шакл ишемик шакл – 133 та (68,6%) ни ташкил қилди.

Касалликнинг клиник кўринишида полинейропатия белгилари баҳолашда. Young M.J., 1986 бўйича шкаладан фойдаланилди. Унга кўра, сон жиҳатдан назорат гуруҳда 57 (79,1%) та беморларда, асосий гуруҳда эса, 94 (77%) та беморларда пастки мучаларда ривожланган неврологик дисфункция аниқланди.

Микробиологик текшириш натижаларига кўра, ДОПС ривожланган беморларнинг 85% ида жароҳатнинг инфицирланиш даражаси юқорилиги қайд қилинган. Шундан 47,1% беморларда аралаш турдаги микробларнинг ассоциацияси жуда юқори даражани ташкил қилган. Микрофлоранинг таркибий жиҳатдан аниқланганда, грамм мусбат аэроб бактериялар устунлик қилган. Яъни 57,8% ташкил қилган. Шундан жароҳат экссудатида 42,2% беморларда *St. aureus*, 15,7% беморларда энтерококклар, 34,4% беморларда грамм манфий микроблар аниқланган.

Диабетик ангиопатия белгиларини ҳар томонлама баҳолаш пастки мучаларнинг ультратовушли доплерография (УТДГ) сида қон айланишининг ҳажмий ва чизиқли тезлиги кўрсаткичлари аниқланган. Бунда оёқдаги

трофик ўзгаришлар бошланиши билан қон оқшининг ҳажмий тезлиги ва чизиқли тезлиги пасайиши аниқланган ($V_{as} = 1,80 \pm 0,05$ мм/с и $Q_{as} = 0,0140 \pm 0,0005$ мл/мин). Бунда микроциркулятор томирларининг жавоб реакцияси жараёнининг кинетикасида пасайиш ва шунга мос равишда томирлар реакциясининг узоқроқ вақт давомидаги яширин даври келиб чиқган. Эътиборли жихати шундаки, диабетик товон флегмонаси бўлган беморлардаги кўрсаткичлар диабетик товон тўқималарининг куруқ некрози бўлган беморларга қараганда қон оқшининг ҳажмий тезлиги ва чизиқли тезлиги паст кўрсаткичда эканлиги қайд қилинган. Натижада микроциркуляция ҳавзасининг томирлари тораяди, бу олдиндан ўзгарган тўқималарнинг перфузиясини сезиларли даражада ёмонлаштиради ва тўқималарда прогрессив некрозининг ривожланиши учун шароит яратади.

61,5% беморларда гиперфибриногенемия аниқланган. Гемостаз тизимининг плазма компонентининг аниқланган бузилишлари гиперкоагуляциянинг ривожланишига олиб келган ва беморларнинг аҳволини оғирлаштирувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Ёғ алмашинувининг бузилиши 83,8% беморларда гиперхолестеринемия кўринишида аниқланган.

ДОПС билан оғриган беморларни текширишда аниқланган ўзгаришларни баҳолаш асосида медикаментоз терапиясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган: углевод алмашинуви бузилишларини, нейропатияни коррекциялаш, тўқималар ишемиясига қарши даволаш – вазоактивлар, вазодиллятаторлар, тромболитиклар, тизимли антибиотик терапияси, гиполипидемик дорилар ва симптоматик даволаш.

Шундай қилиб, ДОПСда йирингли некротик жароҳатларни аниқ мезонларга асослаб ташхислаш, шунингдек жараённинг оғирлигига қараб, жароҳатнинг кечишини башорат қилиш орқали медикаментоз даволашни тўғри йўналтириш ва оптимал жарроҳлик даволашни танлаш имкониятларини берган.

Ангиогенезнинг асосий механизмлари қуйидагилардан: қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF), эндотелиен – 1, унинг рецепторлари ва фибробласт ўсиш омили, эндотелий субстрати – NO иборатдир.

ДОПСда ЭД ни баҳолаш учун ЭД маркерлари бўлган эндотелиал ўсиш омили (VEGF), эндотелиен – 1 ва NO ларнинг қон зардобадаги миқдорини аниқлаб, ДОПС даги микроциркулятор ўзгаришларни ўрганилган. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилган. ҚД 1тип ва 2 типдаги ЭДнинг ҳолати, гипергликемия даражасига ЭД боғлиқлиги, ДОПС патогенетик шакллари (неропатик ва нейроишемик) да томир эндотелийсининг шикастланиш даражалари баҳолаиб, таҳлил қилинган. ҚД 2 типда эндотелиал функциянинг жиддий ўзгаришлари аниқланган. ҚД 2 типи узоқ вақт кечиши, ҳамда доимий гипергликемиянинг кузатилиши эндотелийнинг шикастланишига сабаб бўлган.


Назорат гуруҳдаги беморларда ЭД маркерларининг кўрсаткичларини таҳлили SVS WIFI классификациясидан келиб чиқиб, ДОПСда

ампутацияларнинг хавф даражасига қараб бўлинган 4 та гуруҳлардаги беморларнинг кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилинган. Олинган натижаларга кўра қуйидаги хулосага келинган. ЭД нинг келиб чиқиши натижасида артерия ва артериолаларда эндотелийнинг шикастланиши кузатилади. Бу эса уларнинг эластиклигининг йўқолишига олиб келади. Натижада томир деворининг ўтказувчанлигининг пасайиши ва томир диаметрининг қисқаришига сабаб бўлади. Бу қон томирлар тромбози хавф даражасининг ортишига, яъни томирларнинг окклюзияси ва стенозларга сабаб бўлади. Натижада пастки мучаларда ишемиясининг ривожланиши келиб чиқади.

ЭДнинг юқори кўрсаткичларида ДОПСда юзаки ва чуқур жароҳатланишлар биргаликда кузатилган. Оғир ва ўта оғир беморларда юзаки яраларнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, хатто чуқур ривожланиб борувчи йирингли некротик жароҳатлар билан асоратланган. ДОПС да томир эндотелийсига таъсир қилувчи омиллар (эндотоксин, гипергликемия) эндотелийнинг дисфункциясига, яъни унинг барьер хусусияти ва регулятор функциясининг бузилиши олиб келган. Бундан ташқари, ЭД гликемия даражасига ҳам боғлиқ. Гипергликемия эндотелийнинг шикастланишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири экан.

Асосий гуруҳдаги беморларда ЭД кўрсаткичлари аниқлаш орқали қуйидаги хулосаларга келган: 1. Микроциркуляция ҳолати тўғрисида ишончли миқдорий маълумот олиш имконини беради; 2. Атеросклероз ёки бошқа сабаблар туфайли ривожланаётган микроциркулятор бузилишлар туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган пастки мучаларнинг ампутация хавф даражасини пасайтиради; 3) ЭД маркер кўрсаткичлари ЭДнинг кейинги оқибатларини олдиндан аниқлашга ва даволаш усуллари танлашга имкон берадиган қўшимча мезондир.

ДОПС да эндотелиал дисфункцияни морфологик жиҳатдан асосланган. Бунда ДОПС даги томирлар морфологиясига эътибор қаратилган. Томирларида девори қалинлашиб эндотелиоцитларда шиш аниқланган, эндотелийнинг зарарланиш кузатилган. Эндотелиоцитлар тузилишининг бузилишлари, периваскуляр шишиш ҳодисалари аниқланган. Капиллярлар эндотелий қаватида ядроси гиперхром ва гипохром бўлган ҳужайралар алмашилиб жойлашиши кузатилган.



2 – расм. Орқа катта болдир артериясида спазм ва периваскуляр шишиш. Гематоксилин-эозин услубида бўялган. Об.10, ок. 10.

Ядроси гипохром бўлган эндотелиоцитларнинг ўлчами катта бўлиб, улар капиллярлар бўшлиғида жойлашган ва бу улар десквамация ҳолатида эканлиги аниқланган.

Микроциркулятор тизимида томирлар сонининг камайиши, сақланган майда капилляр томирларнинг кескин кенгайганлиги, базал мембрана қаватининг қалинлашганлиги, ривожланган пролиферациянинг кузатилиши ҳамда ўчоқли грануляцион бириктирувчи коллаген тўқималар аниқланган.

ҚД нинг товон соҳасида трофиканинг бузилишида, вазоактив моддалар секрециясининг ошиши билан эндотелий дисфункция келиб чиқади. Бу айниқса, тўқималарда шишнинг ривожланиши сабабли яққол намоён бўлган. Моддалар алмашинувининг чуқур бузилиши кузатилган, бу эса эндотелийнинг функционал активлигини пасайтиради деган хулосага келинган. ДОПСда томирларда эндотелийнинг пролиферацияси, базал мембрананинг қалинлашганлиги, эндотелийнинг ўчоқли десквамацияси, ривожланган коллагеноз каби морфологик ўзгаришлар кузатилиши аниқланган.

ЭДнинг юқори кўрсаткичлари аниқланган беморларда юзаки ва чуқур жароҳатланишлар биргаликда кузатилган. Оғир ва ўта оғир беморларда юзаки яраларнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, хатто чуқур ривожланиб борувчи йирингли некротик жароҳатлар билан асоратланган. ДОПС да томир эндотелийсига таъсир қилувчи омиллар (эндотоксин, гипергликемия) эндотелийнинг дисфункциясига, яъни унинг тўсиқ хусусияти ва регулятор функциясининг бузилиши олиб келган. Натижада периферик томирларда турғун спазм ва микроциркулятор томирлар тромбози натижасида периферик гемодинамиканинг оғир даражадаги бузилишига сабаб бўлган. Бу ДОПС билан оғриган беморларда оёқларнинг тўқималарида трофиканинг бузилишига, шунингдек йирингли некротик жароҳатларнинг ривожланишига, ҳамда тўқималарда реператив фаолликнинг пасайишига сабаб бўлган. Шунингдек, ДОПСда спастик нейроген регуляциянинг бузилиши томирлар эндотелиопатиясига олиб келган. ДОПСнинг ривожланиш шаклидан қатъий назар, барча беморларда қон томир тонусининг регуляциясида нейроген бузилишлар кузатилган ва бу ДОПС келиб чиқишида асосий патогенетик амалий ахамиятга эга механизмлардан биридир. Шунинг учун ДОПС нейропатик ёки нейроишемик шаклида нейропатия ва ЭД биргаликда коррекция қилиниши муҳим деб ҳисобланган.

Диссертациянинг **“ДОПС ни комплекс хирургик даволаш натижаларини яхшилаш йўллари”** деб номланган тўртинчи бобида ДОПС даги жароҳатларни маҳаллий даволашда боғлов воситасини танлаш яра жараёнининг босқичини баҳолаш ва хирургик даволашнинг объектив мезонларига асосланади. Боғлов воситаларини мослаштириш ва маҳаллий даволашни биргаликда олиб бориш трофик яранинг ҳажми ва локализациясини, яра жараёнининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Трофик яранинг кечишини 3та босқичга

ажратилиб ўрганилган. Бунда 1. Яранинг ўткир яллиғланиши; 2. Яранинг грануляцияси; 3. Яранинг регенерацияси ва эпителизацияси;

ДОПСдаги трофик яраларнинг ўткир даврида полиэтиленгликоли малҳамларининг самараси камлиги аниқланган. Шунинг учун гиперосмоляр хусусиятли малҳамлар билан биргаликда қўллаш ДОПСдаги яраларнинг эпителизациясида анча самарали эканлиги аниқланган. Шу билан бирга ДОПСда келиб чиққан ЭДСини коррекция қилишда L–аргининни қўллаш қон–томирлар интимасидаги эндотелийнинг тикланишини таъминлаб, функционал вазоконстрикция тикланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бу жароҳатнинг репаратив хусусиятини стимуллайди. Шунингдек, ДОПСда гиперосмоляр малҳамларни қўллаш анча самари бўлиб, ножуя таъсири камлиги, ишлатиш учун қулайлиги ва таъсир доираси самарали эканлиги аниқланган. Тадқиқот натижаларига кўра, ДОПС трофик яраларнинг яллиғланишнинг чегараланиш босқичига ўтиш муддати асосий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан 5,1(56,7%) кунга, грануляциянинг шаклланиш босқичи 6,3(51,2%)кунга ва эпителизация босқичи 5(35,7%)кунга қисқарган($p>0,005$). ДОПСдаги трофик яраларнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишидаги яллиғланиш трансформацияси асосий гуруҳда назорат гуруҳига караганда 2–3 баробар тез бўлишини таъминлаган.

ДОПС да пастки мучалардаги патологик жараённинг ҳолати ва ампутацияларнинг хавф даражасини баҳолашда замонавий ва бугунги кунда кенг қўлланилаётган SVS WIFI классификациясидан фойдаланиб таҳлил ўтказилган.

Назорат гуруҳидаги беморларда SVS WIFI классификацияси бўйича пастки мучаларда ампутацияларнинг хавф даражаси аниқланган. Бунда жуда паст-VL –1(1,4%)та беморда, паст- L –2(2,8%)та беморда, ўртача- M–10(13,9%)та беморда ва хавф юқори- H – 59(81,9%)та беморларда ампутация хавфи даражаси юқорилиги аниқланган. Назорат гуруҳидаги беморларни хирургик даволаш амалиёти аънанавий усулда бажарилган.

Хирургик даволаш натижаларини таҳлил қилишда пастки мучаларнинг таянч функциясини сақлаб қолишда куйидаги кўрсаткичларга асосланган. Яъни, 1.Ижобий натижа – Оёқ панжанинг анатомик тузилмаларини сақлаб қолиш (оёқ панжа бармоқларидан 1-2тасини ампутация қилиш); 2. Қониқарли натижа – Оёқ панжанинг таянч функциясини сақлаб қолиш (Оёқ панжа соҳасида метатарзал резекция ёки атипик резекция); 4. Қониқарсиз натижа – оёқ панжанинг таянч функциясини сақлаб қолмаслик (юқори ампутациялар). Бундан ташқари жарроҳлик даволашнинг ҳажми, беморларни стационардаги ўрин – жой кунининг муддати, жарроҳлик даволашда такрорий операциянинг частотаси ва беморларнинг ўлим сабабларига алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, кафт ёки бармоқларнинг бир қисмининг олиб ташланишига қарамасдан, оёқнинг ҳаракат таянч функцияси сақлаб қолиш операциялари аъзоларни сақлаб қолиш операциялар деган хулосага келинган. 30 та беморларда ОДГ сабабли, оёқ панжа суякларидан

деструктив ўзгаришлар кузатилганлиги ва уларнинг прогрессив юқорига кўтарилиши сабабли оёқ таянч қисми ҳисобланган болдир ва сон соҳаларидан юқори ампутациялар бажарилган. Умумий катта ампутациялар 41,7% ни ташкил қилган. Ушбу беморларда ТЕИ кўрсаткичи $\leq 0,4$ дан, болдирнинг систолик босими эса < 50 мм.сим.уст. дан паст кўрсаткичда эканлиги аниқланган.

Беморларнинг стационардаги ўрин-жой кунлари ўртача $24,4 \pm 4,5$ кунни ташкил қилган. Беморларнинг стационардаги ўрин-жой кунларининг муддати қандли диабетнинг оғирлик даражасига, қўшимча йўлдош касалликларнинг мавжудлигига, пастки мучаллардаги йирингли - некротик жараёнларнинг кечишига, маҳаллий қон айланишнинг бузилиши сабабли ишемиянинг ривожланиш даражасига, ҳамда такрорий операцияларнинг ўтказилиши муддатларига боғлиқ бўлган.

Назорат гуруҳидаги беморларда даволаш натижаларини таҳлил қилишидан мақсад, худди шу беморда такрорий операцияларни аниқлаш, унинг сабабини ўрганиш эди. Беморларда бир йил муддатдаги такрорий операцияларнинг натижалари таҳлил қилинган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, барча бажарилган операциялар орасида такрорий операциялар улуши 31,94% (23 такрорий операция) ни ташкил қилган.

Назорат гуруҳидаги беморларда операциялардан кейинги даврда бир йил давомида кузатилган ўлим кўрсаткичи таҳлил қилинган. Барча беморлар орасида 9 (12,5%) та ҳолатда ўлим кузатилган. Беморлар қандли диабетнинг декомпенсация босқичи сабабли узок муддат гипергликемиянинг бўлиши, ЮИК ва буйрак етишмовчиликлари бўлган беморларда ўлим ҳолатлари юз берган.

Оёқ панжанинг таянч функциясини сақлаб қолувчи операциясини амалга ошириш вақтида мушак тўқималарини ҳаддан ортиқ кесиш операциядан кейинги ярадаги регенератив жараёнларни (грануляция) секинлашишига олиб келган.

Катта ампутацияларнинг асосий сабаблари ўз-ўзини бошқариш тамойилларини билмаслик, оёқ кафтларини парвариш қилиш қоидалари, қанд миқдорини туширувчи терапиянинг қўпол бузилиши, гликемияни тартибсиз назорат қилиш, кеч мурожаат қилиш бўлган. Шу билан бирга, кейинчалик олдини олиш мумкин бўлган жарроҳлик аралашуви техникаси ва жарроҳлик тактикасини танлашда бир қатор хатолар аниқланган. Шунингдек, оёқ тўқималарининг зарарланиш даражасини ва қон томирлардаги ўзгаришларни етарлича баҳоламаслик такрорий операцияларга олиб келган.

Беморларни даволашда, битта бармоқни экзартикуляция қилингандан кейин 10-12 кунларда қўшни оёқ бармоқлари суякларининг эпифиз ва метафизи қисмида деструкция аниқланган. Яъни атрофдаги юмшоқ тўқималарда, ҳатто йирингли секреция бўлмаса ҳам, яққол яллиғланиш жараёни кузатилган. Бу олдинги рентген суръатларида кузатилмаган эди. Демак, бўғим юзаси инфекциянинг кенг тарқалиши ва яллиғланиш жараёни учун ҳимоя тўсиғи эмас. Шу билан биргаликда, метатарзал суякни кўндаланг,

қатъий горизонтал ҳолатда резекция қилишнинг барча ҳолатларида, резекция қилинган суяк бурчагининг юмшоқ тўқималар остидан чиқиши палпация қилганимизда аниқланган. Келажакда бу тўқиманинг қаттиқлашишига ва ярали нуқсонларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун метатарзал суякнинг бошчаси атипик қисман ёки 1/2-2/3 қисмини юқоридан пастга, медиал четидан латерал томонга қия йўналишда резекция қилиш, фалангалараро бўғим элементлари бўлган пай-синовиал тузилмаларини кесиб олиш, айрим ҳолларда оёқ бармоқ суягининг пастки учдан бир қисмига ханжар шаклидаги кесма қилиш ва оёқ кафт суягнинг камида 2/3 қисмини атипик резекция қилиш орқали ушбу бармоқларни ампутация қилиш ижобий натижа берган.

Асосий гуруҳда 86 (70,5%) та беморлар шифохонага шошилиш ҳолатда ётқизилган. Беморларнинг аҳволини стабиллаштириш мақсадида интенсив терапия ва кичик ҳажмдаги жарроҳлик (флегмонани очиш, некроэктомия) амалиётлари ўтказилган.


Беморларда контрастнинг салбий таъсири кузатилмаганда 28 та беморга ангиография ўтказилган, бунда кўрсатма бўлиб тананинг пастки периферик қисмларининг асосий артерияларида стеноз–окклюзиянинг мавжудлиги ҳисобга олинган. Магистрал қон айланишнинг структур бузилишларидан окклюзион–стенотик шакли устунлик қилган.

Назорат гуруҳини таҳлил қилишда аниқланган натижаларни инобатга олган ҳолда асосий гуруҳда такомиллаштирилган патогенетик ва хирургик даволаш ўтказилган. Тадқиқот натижаларига кўра, схема кўринишидаги ДОПС нинг даволаш алгоритмини ишлаб чиқилган (3-расм). Бу ДОПС ташхислаш ва даволашда сезиларли ютуқларга эришишда асос бўлган. Беморларнинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, асосий гуруҳдаги беморларга консерватив даволашда дориларни самарадорлигини ошириш учун узоқ муддатли артерия ичи катетеризация ўтказилган.

Томирлар реваскуляризацияси – артериал қон айланишдаги морфофункционал ўзгаришлар натижасида келиб чиққан ишемик синдромни бартараф этиш ёки камайтириш учун оптимал усул бўлиб, тегишли кўрсатмалар мавжуд бўлганда ва бунга қарши кўрсатмалар бўлмаса, барча беморларда амалга оширилиши мумкин.

Асосий гуруҳдаги беморларда эндоваскуляр усуллардан томирларнинг балонли ангиопластикаси ва томирларни стентлаш амалиётларини амалга оширган.

Асосий гуруҳидаги беморларда SVS WIFI классификацияси бўйича пастки мучаларда ампутацияларнинг хавф даражаси аниқланган. Бунда жуда паст-VL –12(9,8%)та беморда, паст- L –5(4,1%)та беморда, ўртача- M–19(15,6%)та беморда ва хавф юқори- H – 78(63,9%)та беморларда ампутация хавфи даражаси юқорилиги аниқланган. Назорат гуруҳи билан солиштирганимизда, ампутацияларнинг хавф даражаси ўртача- M–3,8%га ва хавф юқори- H – 12,5%га камайганлиги аниқланган.



3 – расм. ДОПСни хирургик даволаш алгоритми

Ижобий натижалар 40,2%ни, қониқарли натижалар 48,4%ни, қониқарсиз натижалар яъни, катта ампутациялар 11,5%ни ташкил қилган. Хирургик даволашни назорат гуруҳи билан солиштирганимизда ижобий натижалар 15,2%га, қониқарли натижалар 15,1%га ошганлиги ва қониқарсиз натижалар эса, 30,2%га камайганлиги аниқланган. Асосий гуруҳидаги беморларда ўртача ўрин-жой кунлари $16,4 \pm 3,1$ кунни ташкил қилган. 2 (1,6%) та ҳолатда ўлим кузатилган. Такрорий операциялар 7та беморда бажарилган, бу эса барча операцияларнинг 9,02% (11 такрорий операция) ташкил этган. Назорат гуруҳи билан солиштирганда такрорий операциялар сони деярли 3,5 бараварга камайди, яъни бажарилган операциялар сонининг 31,94% дан 9,02% гача бўлган.

ХУЛОСА

«Диабетик оёқ-панжа синдроми йирингли-некротик асоратларини комплекс даволашни такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. ҚД фонида ДОПСнинг йирингли-некротик асоратлари нисбий салмоғи юқори бўлиб, улар 36,5% ни ташкил этади. Шундан анъанавий даволаш натижасида беморларнинг 41,7%ида ДОПС сабабли катта (юқори) ампутациялар бажарилган. ДОПС билан беморларнинг анъанавий даволаш натижаларини ўрганишда қуйидагилар аниқланган: оёқ тўқималарининг зарарланиш даражасида томир эндотелийсидаги ўзгаришларни ва пастки мучалардаги ампутациялар хавфини етарли баҳоланмаслиги, жарроҳлик тактикасини танлашдаги хатоликларнинг мавжудлиги, такрорий операцияларнинг асосланмаганлиги. Шунинг учун ДОПСни патогенетик ва хирургик даволаш мақбуллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

2. Ангиоген омиллар қон-томирлар таркибий тузилмаларида дистрофик ўзгаришлар ривожланишига сабаб бўлган. Шунинг учун ДОПС кузатилган беморларда қондаги эндотелий ўсиш омилини аниқлаш ва ЭД коррекция қилиш натижасида ДОПСни патогенетик даволаш ва профилактика қилиш доирасини кенгайтирган. Хирургик даволашнинг истиқболини аниқ белгилашга кўмалашди.

3. «Диабетик оёқ панжа» синдромида SVS WiFi таснифидан фойдаланиб, ампутацияларнинг хавфини камайтирадиган эндоваскуляр мининвазив жарроҳлик усулларини қўллаш ва оёқ панжанинг таянч функциясини сақлаб қолувчи операция усулларини мақбуллаштириш орқали, такрорий жарроҳлик аралашувини 31,94% дан 9,02% гача ($P<0,05$) ва катта (юқори) ампутацияларни 41,7%дан 11,5%гача ($P<0,05$) камайтириш имконини берди.

4. ДОПС билан оғриган беморларда пастки мучаларнинг оғир даражали (критик) ишемияси кузатилганда дастлабки кунларда эндоваскуляр мининвазив усулларни қўллаб, реваскулиризация қилиш орқали даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам берган. Шу билан бирга, беморларнинг шифохонадаги ўрин-жой кунларининг муддатини $24,4 \pm 4,5$ дан $16,4 \pm 3,1$ кунгача, ўлим кўрсаткичини 12,5% дан 1,6% гача камайишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХУДАЙНАЗАРОВ УТКИР РАББИМОВИЧ

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ
ГНОЙНО-НЕКРОТИЧЕСКИХ ОСЛОЖНЕНИЙ СИНДРОМА
ДИАБЕТИЧЕСКОЙ СТОПЫ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2021.4.PhD/Tib2308.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sammu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Абдуллаев Сайфулла Абдуллаевич доктор медицинских наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Матмуратов Кувондик Жуманиязович доктор медицинских наук, доцент Шербеков Улугбек Ахрорович доктор медицинских наук, доцент |
| Ведущая организация: | Поморский государственный университет (Республика Польша) |

Защита состоится «__» _____ 2025 г. в ____ часов на заседании Научного Совета ДСс.04/05.05.2023.Тиб.102.03 при Самаркандском государственном медицинском университете (Адрес: 140100, Республика Узбекистан, г. Самарканд, ул. Анкабай 6. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за № __). Адрес: 140100, Республика Узбекистан, г. Самарканд, ул. Амира Темура 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2025 года).

Н.Н. Абдуллаева

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.В. Шмырина

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

З.Б. Курбаниязов

Председатель Научного семинара при Научном Совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из самых грозных осложнений сахарного диабета является синдром «диабетической стопы». Синдром «диабетической стопы» - характеризуется комплексом анатомических и функциональных патологических изменений, приводящих на фоне нейро-, ангио- и остеопатий при сахарном диабете. В настоящее время 25-55% из всех ампутаций в нижних конечностях проводятся «...при этом, и послеоперационная летальность составляет 20-30%, поэтому нельзя утверждать что результаты лечения синдрома «диабетической стопы» удовлетворительны...»¹.

В настоящее время серьезное внимание уделяется изучению патологических процессов механизма диабетической ангиопатии при синдроме «диабетической стопы», т.е. морфологических и патогенетических особенностей патологического процесса поражения артерий стопы. Особенно, практически не изучены патогенетические аспекты эндотелиальной дисфункции и ее коррекции, а также ее значение в процессе микроциркуляции, в ангиогенезе при критической ишемии нижних конечностей, вызванной сахарным диабетом. Поэтому при диагностике и лечении синдрома «диабетической стопы» необходимо тщательное изучение повреждений эндотелия сосудов и их влияния на уровень развития деструктивных изменений.

